

**2021 йилнинг январь-сентябрь ойларида амалга оширилган импорт ҳажми ҳамда  
импортни қисқартириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

**ИНФОРМАЦИЯ**

**об объемах импорта и принятых мерах по сокращению импорта за январь-сентябрь  
2021 года**

I. Комбинат томонидан амалга оширилган экспорт таҳлили.

2021 йилда Навоий КМКга 259,3 млн. долларлик экспорт прогнози ўрнатилган бўлиб, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида **220,4** млн. долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилди ёки бу прогнозга (195,8 млн. доллар) нисбатан 112,5 %ни ташкил этди. 2020 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 107,7 %ни ташкил этди.

II. Комбинат томонидан амалга оширилган импорт таҳлили.

2021 йилда НКМК томонидан маҳсулот ва хизматлар импорти 502,5 млн. долларни ташкил этиши кўзда тутилган, шундан Инвестиция дастурини амалга ошириш учун 363,7 млн. доллар, комбинатнинг асосий фаолияти учун 138,8 млн. доллар миқдориди маҳсулот ва хизматлар импорт қилиниши режалаштирилган.

Давлат божхона қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилнинг январь-сентябрь ойларида маҳсулот ва хизматлар импорти ҳажми **259,4** млн. долларни ташкил этди. Бунда импорт ҳажми ўтган йилнинг мос даврига (271,4 млн. доллар) нисбатан 12,0 млн. долларга ёки 4,4 %га қисқарди.

Навоий КМК маҳсулот ва хизматлар импорти таркиби қуйидагича:

- машина ва ускуналар 207,8 млн. доллар (улуши 80,1 %);
- техника ва технологик ускуналарга бутловчилар ва эҳтиёт қисмлар 14,2 млн. доллар (5,5 %);
- хом ашё ва материаллар ҳамда бошқа маҳсулотлар 7,9 млн. доллар (3,0 %);
- хизматлар 29,5 млн. доллар (11,4 %).

Шунингдек, Инвестиция дастури доирасида амалга оширилган импортнинг улуши 87,2 %ни ва асосий фаолият учун эса 12,8 %ни ташкил этди.

Ҳисобот даврида Инвестиция лойиҳалари учун импорт ҳажми **226,2** млн. долларни ташкил этди ва 2020 йилнинг мос даврига (187,1 млн. доллар) нисбатан 39,1 млн. долларга ёки 20,9 %га ошди.

Инвестиция лойиҳалари бўйича импорт ҳажмининг ошиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартдаги ПҚ-2806-сонли қарорига мувофиқ, “2026 йилгача қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни ошириш дастури”да кўзда тутилган инвестиция лойиҳаларини жадаллаштирилган ҳолда амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 13 мартдаги “Йўл харитаси” билан боғлиқ.

Инвестиция дастури доирасида қуйидагилар импорт қилинди:

- кон ва шахта самосваллари 90,0 млн. доллар (улуши 39,8 %);

- экскаваторлар 19,1 млн. доллар (8,4 %);
- махсус транспорт ва темир йўл техникалари 7,5 млн. доллар (3,3 %);
- майдалаш ускуналари 66,4 млн. доллар (29,4 %);
- бурғулаш ускуналари 6,6 млн. доллар (2,9 %);
- бошқа технологик ускуналар 16,4 млн. доллар (7,3 %);
- хизматлар 20,2 млн. доллар (8,9 %).

Комбинатнинг асосий фаолияти учун **33,2** млн. долларлик импорт амалга оширилди ва 2020 йилнинг мос даврига (84,3 млн. доллар) нисбатан 51,1 млн. долларга ёки 60,6 %га қисқарди.

Асосий фаолият учун импорт таркиби куйидагича:

- ички ёнув двигателлари ва темир йўл транспорти учун дизел-генераторлар 10,8 млн. доллар (улуши 32,6 %);
- портлашларни юзага келтирувчи воситалар 6,4 млн. доллар (19,2 %);
- техника ва ускуналарга бутловчилар ва эҳтиёт қисмлар 4,3 млн. доллар (12,8 %);
- кимёвий маҳсулотлар ва реагентлар ҳамда бошқа маҳсулотлар 2,4 млн. доллар (7,3 %);
- хизматлар 9,3 млн. доллар (28,1 %).

Навоий КМКда имтиёзли солиқ режими бериладиган, молиявий операциялар ошкор этилмайдиган давлатларнинг (оффшор) субъектлари билан тузилган шартномалар мавжуд эмас.

АҚШнинг Калифорния штатида рўйхатдан ўтган “Intra Oil Incorporate” компанияси билан тузилган 2018 йилнинг 18 декабридаги 35.05-02/73-70-сонли (ИДР: 202496950201204514190200018) шартномага асосан, “тегирмон” товари Навоий КМК номига олиб келинган. Ушбу тегирмонга нисбатан расмийлаштирилган 12008/16.07.2021/0000898-сонли божхона юк декларациясининг 11-графаси иккинчи қисмида “2” рақами ўрнига “1” рақами кўрсатилганлиги сабабли шартномалар тўғрисидаги маълумотлар базасида 5 млн. долларлик товар тўғрисидаги маълумотда техник хатолик юзага келган. Шунинг таъкидлаш керакки, АҚШнинг Калифорния штати оффшор давлатлар рўйхатига киритилмаган. Бугунги кунда юқоридаги декларацияга тегишли ўзгартириш киритилиб, ушбу хатолик бартараф этилган.

Комбинатнинг асосий фаолиятига тааллуқли бўлмаган, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар импорти, шу жумладан оффшор худудлардан импорт амалга оширилмади.

III. Комбинат бўлинмалари қувватларида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

2021 йилнинг январь-сентябрь ойларида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида жами 151 та лойиҳа бўйича **344,9** млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва 2020 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 119,6 %ни ташкил этди. Шундан, 69 та янги лойиҳа бўйича 53,1 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ўзлаштирилди.

Ўтган даврда шарли тегирмон, экскаваторнинг юриш аравачаси, гусеничали занжири, редуктори ва ковшлари, вертикал-токарик ҳамда лентали, газ-кислород ва плазмали металл кесиш дастгоҳлари, тўғридан-тўғри кон ишга туширгичи, мобил лентали таъминлагичи, гидроциклон қурилмаси, карьер автосамосваллари ва механизмларининг, технологик ускуналарнинг бронза куймалардан эҳтиёт қисмлари, насослар, ТПЕ 200/460 куч блоки каби маҳсулотлар маҳаллийлаштирилди.

Бундан ташқари, Маҳаллийлаштириш дастурида кўзда тутилмаган 101,1 млрд. сўмлик 305 турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Комбинат томонидан ишлаб чиқариладиган ҳамда бошқа корхона ва ташкилотларга сотиш учун мўлжалланган 185 турдаги маҳсулотлар ва хизматлар электрон кооперация порталига жойлаштирилди.

Ҳисобот даврида саноат кооперацияси доирасида 268 та корхона ва ташкилотлар эҳтиёжлари учун 80,9 млрд. сўмлик 310 номдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва сотилди.

2021 йилги Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш мақсадида, комбинат томонидан 1,4 млрд. сўмлик 2 та янги лойиҳа (*қуйқада ишлайдиган (шламовый) насослар учун эҳтиёт қисмлар ва натрий силикат ишлаб чиқариш*) таклифлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликларига тақдим этилди (*НКМКнинг 2021 йил 28 апрелдаги 06-02-01/4542 ва 6 июлдаги 06-02-01/6974-сонли чиқиш хатлари*).

Шунингдек, 2022-2026 йилларда кон-металлургия машиналари, техникалари ва ускуналарининг янги турларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастурига етакчи хорижий компаниялар ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан Навоий КМК Навоий машинасозлик заводида маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича лойиҳа таклифлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этилди (*НКМКнинг 2021 йил 17 августдаги 06-02-04/8239 ва 20 августдаги 06-02-04/8363-сонли чиқиш хатлари*).

IV. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан кооперация алоқаларини кенгайтириш ва кооперация ҳисобига импортни оптималлаштириш.

Ҳисобот даврида саноат кооперацияси доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинган маҳсулотлар ҳажми **2 802,2** млрд. сўмни ва 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 119,5 %ни ташкил этди.

Шу жумладан, Электрон кооперация портали доирасида **1 738,3** млрд. сўмлик 2 615 та шартнома бажарилди ва ўтган йилнинг мос даврига (1 176,1 млрд. сўм) нисбатан ўсиш суръати 147,8 %ни ташкил этди.

Комбинатнинг 2021 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси”га асосан комбинатнинг ўз қувватларида ва тармоқлараро кооперация доирасида маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳисобига импорт маҳсулотларини қисқартиришнинг мақсадли кўрсаткичлари **62,2** млн. долларни ташкил этди (*“Йўл харитаси” илова қилинмоқда*).

Бундан ташқари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш ҳисобига импортни қисқартириш бўйича амалга оширилган ишлар доирасида қўшимча равишда умумий қиймати 17,1 млн. доллар бўлган 49 турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар харид қилинди.

Жорий йилда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда уларнинг қувватларида эмульгатор, гидравлик мой (“Chilon Lubricants” МЧЖ), реактор аралаштиргичи (“Gidro Stanko Servis” МЧЖ), цилиндрсимон тирқишли ғалвирлар (“Navpromlitmash” МЧЖ), техникаларга радиаторлар (“Uchquduq Prom Zona” МЧЖ), мой филтрлари (“Oil Filter Technology” МЧЖ), европалет, филтрловчи плиталар (“SK Sanoat Kompaniyasi” МЧЖ), сиффон (“Техно Резина” МЧЖ), қуритиш шкафлари (“Karmana-Sharqona Invest” МЧЖ) каби янги турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ўзлаштирилди.

Маҳаллий корхоналар томонидан ўзлаштириш учун импорт хом ашё ва материаллар тўғрисидаги маълумотлар комбинат веб-сайти (<https://www.ngmk.uz/>) ва комбинатнинг Электрон кооперация порталидаги онлайн-кўرғазмасида (<http://ngmk.cooperation.uz/>) жойлаштирилган.

Шунингдек, кон-металлургия саноати учун зарур бўлган кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини (“Навоийазот” АЖда ташкил этилаётган технологик кимё кластерини ҳисобга олган ҳолда) ишлаб чиқишда инobatга олиниши мақсадида, олтин ва уран маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун Навоий КМКнинг, шу жумладан импорт кимёвий маҳсулотларга бўлган 2021-2026 йиллардаги эҳтиёжи, шунингдек портлашларни иницирлаш воситаларига бўлган ишлаб чиқариш талаби “Ўзкимёсаноат” АЖга тақдим этилди (*НКМКнинг 2021 йил 19 июлдаги 02-02-06/7403 ва 24 сентябрдаги 35.04.-02/14-сонли чиқиш хатлари*).

Бундан ташқари, 10 турдаги металл маҳсулотларини маҳаллийлаштириш бўйича таклифлар “Ўзметкомбинат” АЖ, “Тошкент қувур заводи” МЧЖ ҚК, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Тошкент металлургия заводи” МЧЖга юборилди (*НКМКнинг 2021 йил 16 февралдаги 06-02-03/1834-сонли чиқиш хати*). Бугунги кунда комбинат томонидан “Ўзметкомбинат” АЖ, “Тошкент қувур заводи” МЧЖ ҚК ва “Тошкент металлургия заводи” МЧЖ дан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар харид қилинмоқда.

Комбинат томонидан харид қилиниши кўзда тутилган, келиб чиқиши импорт бўлган товарлар тўғрисидаги маълумотларни Электрон кооперация порталининг “Импорт муқобили бўйича сўров юбориш” бўлимига жойлаштириш орқали уларни ўзлаштириш бўйича потенциал ишлаб чиқарувчиларни аниқлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг 22-24 апрель кунлари Навоий машинасозлик заводида металлургия, энергетика, кимё саноати ва қурилиш материаллари соҳаси корхоналари иштирокида “Республика тармоқлараро кооперация саноат ярмаркаси” ўтказилди. Ярмаркада республиканинг барча ҳудудларидан 645 та саноат корхонаси, шу жумладан 60 та тармоқ корхонасининг мингдан ортиқ вакиллари иштирок этди. Шундан, 145 та саноат корхоналари томонидан

импорт қилинаётган ҳамда ишлаб чиқарилаётган 3 700 дан ортиқ маҳсулотлар намоёиш қилинди.

Ярмарка доирасида 376 млрд. сўмлик 996 та шартнома имзоланган бўлса, 225,7 млрд. сўмлик (жами шартномалар ҳажмининг 60 %и) 117 та шартнома Навоий КМК ҳиссасига тўғри келди. Бугунги кунда комбинат томонидан 223,9 млрд. сўмлик 111 та шартнома (99,2 %га) ижроси таъминланди. Қолган 6 та шартнома ижро ҳолатида.

Бундан ташқари, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларни ўзлаштириш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича жами 268 та меморандум, шундан 48 таси Навоий КМК томонидан тузилди.

Комбинат томонидан меморандумлар ижросини таъминлаш мақсадида импорт қилинган маҳсулотларни ўзлаштириш бўйича “Йўл хариталари” ишлаб чиқилди. “Йўл хариталари”га асосан, комбинатда конструкторлик ва технологик ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш, техник маслаҳат ва амалий кўмак бериш, шунингдек биргаликда маҳсулотлар сифатини талаб даражагача етказиш кўринишида янги турдаги импорт товарларини ўзлаштириш бўйича тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи механизм – “шатакка олиш” механизми жорий этилган.

“Шатакка олиш” механизмини қўллаш орқали комбинат импортини қисқартириш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан биргаликда графитланган электродлар, фаоллашган кўмир, “Valeron” маҳсус плёнкаси, кенгайтирилган фторопласт толасидан тўқилган тиқин, янги турдаги дастгоҳлар, филтрлаш элементлари ва беркитиш арматураси каби маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

#### IV. Бошқа масалалар.

Комбинат Кузатув кенгашининг 2021 йилнинг I ва III чорақларида харидлари расмийлаштириладиган базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 минг бараваридан юқори бўлган импорт товарлари (ишлар, хизматлар) рўйхатини келишиш тўғрисидаги баёни лойиҳаси Кузатув Кенгаши аъзоларига киритилди.

Жорий йилнинг июль-август ойларида комбинатда халқаро аудиторлик ассоциацияси аъзоси ҳисобланган “Tri-S-Audit” аудиторлик компанияси томонидан аудиторлик текшируви ўтказилди ҳамда аудиторлик хулосаси Молия ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирликларига тақдим этилди (*НКМКнинг 2021 йил 15 сентябрдаги 01-01-10/9012-сонли чиқиш хати*).

Навоий КМКнинг маҳаллийлаштириш ва саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлари самарадорлигини баҳолаш мезонлари (KPI)нинг 2021 йилнинг I чораги, I ярим йиллиги ва 9 ойидаги кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар Инвестициялар ва ташқи савдо ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирликлари ва Давлат активларини бошқариш агентлигига тақдим этилди (*НКМКнинг 2021 йил 9 апрелдаги 06-02-01/3844, 7 июлдаги 06-02-01/7044 ва 6 октябрдаги 06-02-01/9707-сонли чиқиш хатлари*).

Комбинат томонидан амалдаги импорт шартномалари спецификацияларини хатловдан ўтказиш, шартномалар бўйича харидларни тўхтатиш ва бекор қилиш ҳисобига шартномалар 15,2 млн. долларга мақбуллаштирилди.

Бундан ташқари, Навоий КМК томонидан амалга оширилаётган харидларнинг самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш бўйича чораклик ва ярим йиллик иш режаси ва “Йўл харитаси” (2021 йил 25 июнда тасдиқланган) ижроси назоратга олинган.

Комбинат томонидан амалга оширилаётган харидларнинг шаффофлигини ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида Товар моддий ресурслар ҳаракати ахборот тизими (Order) доирасида “Капитал қурилиш товар моддий ресурслар ҳаракати” (сapex-order) модули жорий йилнинг июль ойидан бошлаб тажриба-синов тариқасида ишга туширилди.

Шунингдек, НКМКнинг 2021 йилнинг 23 июлдаги 528-сон буйруғига асосан қуйидагилар тасдиқланди ва амалга киритилди:

- НКМКда харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш схемаси;
- НКМК етказиб берувчиларнинг дастлабки малака танлови тўғрисидаги

Низом;

- НКМКда тендерларни ўтказиш тартиби;
- НКМКда энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш тартиби;
- НКМК харидларида аукцион ва биржа савдоларини ўтказиш тартиби;
- НКМКда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш тартиби;
- Товарларни харид қилиш бўйича харид комиссияси таркиби;
- Ишлар ва хизматларни харид қилиш бўйича харид комиссияси таркиби;
- НКМК етказиб берувчиларнинг дастлабки малака танлови бўйича

комиссия таркиби.

НКМКнинг 2021 йилнинг 5 августдаги 569-сон буйруғига асосан, 2022 йилга мўлжалланган талабнома кампанияси ўтказилмоқда.

Ҳозирги кунда, комбинатнинг харид функциясини ҳалқаро стандартларга мувофиқ концепциясини ишлаб чиқиш учун “Alvarez&Marsal” (Буюк Британия) консалтинг компанияси жалб қилинган ва ушбу йўналишда ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, дунёнинг етакчи ҳалқаро консалтинг ташкилоти КРМГнинг комбинатда харид тартиб-таомилларини харидларни ҳалқаро стандартларига мувофиқ жорий этиш бўйича берган тавсияларига асосан комбинатда “1С:ERP Холдинг бошқариш” тизими жорий этилмоқда. “1С:ERP Холдинг бошқариш” тизими доирасида комбинат “Харидлар” функционал блокини автоматлаштириш бўйича интегратор – Россиянинг “Крок Регион” МЧЖ томонидан ишлар олиб борилмоқда.

Навоий КМК томонидан ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини кенгайтириш ҳисобига импортни қисқартириш, харидларнинг самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш, ишлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари (КРІ)нинг ҳар бир кўрсаткичини бажариш бўйича ишлар давом эттирилади.